

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Солиқ кодексини биргаликда ёзамиз

Президентнинг 29.06.2018 йилдаги ПФ-5468-сон Фармони билан Ўзбекистон солиқ тизимини жиддий равишда ўзгартирадиган Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди. Шу муносабат билан Президент Бош маслаҳатчисининг ўринбосари бошчилигидаги махсус ишчи комиссияга 1.12.2018 йилгача Солиқ кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Тадбиркорлар ва фуқаролар ҳужжатнинг янги таҳрири қандай нормаларни ўз ичига олиши кераклиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини йўллашлари учун ДСҚ «Солиқ кодексини биргаликда ёзамиз» махсус саҳифасини ишга туширди. 2 мингтагача ишорадан иборат матнли тақлифлар у орқали қабул қилинади. Ўз маълумотларини (Ф.И.О., электрон почта манзили ва телефон) кўрсатиш талаб этилади. Бу муҳоама иштирокчиларини тегишли йўналишлар бўйича эксперт гуруҳлари фаолиятига жалб этиш учун зарурдир.

Якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ амнистияси эълон қилинди

Президентнинг 27.07.2018 йилдаги «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5490-сон Фармони имзоланди.

Фармон кучга кирган пайтда вужудга келган ва қуйидагилар ҳисобида бўлган қатъий белгиланган солиқ ва ушбу қарздорлик учун ҳисобланган пенялар бўйича қарздорлиқни, шунингдек, молиявий жарималар ва суд харажатлари (суд чиқимлари бундан мустасно) бўйича ҳисобланган қарздорлиқни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинди:

1) 2018 йил 1 апрелга қадар якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсларга ва 2018 йил 1 апрелдан молиявий-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган (шу жумладан, фаолиятини вақтинча тўхтатган) якка тартибдаги тадбиркорларга;

2) давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлиги учун бир йиллик қатъий белгиланган солиқ суммаси ҳисобланган жисмоний шахсларга.

Бу – муҳим! Қарздорлиқларни ҳисобдан чиқариш 2019 йил 1 январга қадар муддатда тадбиркорлик фаолиятини тиклаган ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳолларда амалга оширилади.

Бундан ташқари, якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият олиб бораётган жисмоний шахслардан тегишли фаолият

тури бўйича белгиланган ставкадан келиб чиқиб ҳисобланган бир йиллик миқдордаги қатъий белгиланган солиқни бир йўла ундириш тартиби бекор қилинди.

Эслатиб ўтамиз, тадбиркорлик фаолияти давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширилганда жисмоний шахслар қуйидаги жавобгарликка тортилади:

кўп миқдорга қадар (ЭКИХнинг 500 бараваригача) даромад олинганда МЖТКнинг 176-моддасига биноан жарима солинади (ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, ЭКИХнинг 50 бараваригача);

жууда кўп миқдорда (ЭКИХнинг 500 бараваридан ортиқ) даромад олинганда ЖКнинг 188-моддасига биноан жиноий жавобгарлик (5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш) юзага келади.

Параллель равишда Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга (АВ томонидан 31.05.2013 йилда 2463-сон билан рўйхатдан ўтказилган) асосан упардан қатъий белгиланган солиқнинг йиллик миқдори ундирилади.

Текширувларнинг 2 та тури бекор қилинди. Қайсылари қолди?

Президентнинг ПФ-5490-сон Фармонини шарҳлашда давом этамиз.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 5.10.2016 йилдаги ПФ-4848-сон Фармони билан 1.01.2017 йилдан бошлаб қуйидагилар бекор қилинган:

➤ **муқобил текширишлар** – турли солиқ тўловчиларда бўлган ва операциялар ягоналиги билан ўзаро боғланган ҳужжатларни солиштириш. Солиқ текширувларини ўтказиш чоғида солиқ тўловчи учинчи шахслар билан операцияларни солиқ ҳисобида тўғри акс эттирганлиги тўғрисида қўшимча ахборот олиш зарурати юзага келганда, уларга нисбатан ўтказилган;

➤ **режадан ташқари текширишлар**, юридик шахс тугатилаётганда, шунингдек қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари бўйича фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар бундан мустасно (*батафсил – бу ерда*).

Бироқ 2018 йил 1 апрелдан бошлаб Республика

кенгашининг фаолияти тўхтатилди. Унинг ўрнига Бош прокуратура текширишларни махсус электрон тизим орқали мувофиқлаштиради. Параллель равишда Президентнинг 22.01.2018 йилдаги ПФ-5308-сон Фармони билан молия-ҳўжалик фаолиятини режали текширишга, яъни режали тафтишга (*жиноят ишлари бўйича тафтиш билан чалкаштирмаслик керак*) 2 йил муддатга мораторий эълон қилинди.

Қабул қилинган ҳужжат билан айрим турдаги текширишларни бекор қилишнинг янги босқичига йўл очиб берилди. Чунинчи, 1.09.2018 йилдан бошлаб қуйидагилар бекор қилинди:

➤ **тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар** (яъни мораторий остига тушмаган ва ёнгина қарши, санитария, энергетика назорати, давлат ветеринария хизмати ва бошқа органлар томонидан ўтказиладиган режали текширувлар);

➤ тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган назорат тартибидagi текширувлар – назорат органлари ўтган текширишда қайд этилган ҳуқуқбузарликлари ҳўжалик юритувчи субъектлар бартараф этганлигини текшириши.

Шу тариқа, 1.09.2018 йилдан бошлаб, илгаригидек, қуйидагилар ўтказилади:

➤ жиноят ишлари доирасида ўтказиладиган молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) (*ЖПКнинг 22-1-боби*);

➤ юридик шахс тугатилиши муносабати билан молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш);

➤ жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари бўйича берган мурожаатлари асосида ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар;

➤ камерал назорат;

➤ нақд пул тушуми келиб тушиши хронометражи;

➤ 2018 йилдан жорий этилган солиқ мониторинги ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳодимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқатдаги сони мувофиқлиги устидан мониторинг.

Ушбу санадан бошлаб қуйидаги тартиб жорий этилади:

2-бетда

Текширувларнинг 2 та тури бекор қилинди. Қайсилари қолди?



➤ тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиш тегишли тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунбузарлик содир этиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, текширувни ташаббус қилишни назарда tutувчи «хавфни таҳлил этиш» тизими натижалари асосида амалга оширилади;

➤ Бош прокуратура тадбиркорлик субъектлари

фаолиятида ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

➤ назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олиниши шарт;

➤ Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона

тизимида рўйхатга олинмаган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар ноқонуний ҳисобланади;

➤ тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган текширувларнинг натижалари назорат қилувчи органлар томонидан текширув тамомлангандан кейин 3 кун давомида Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимига киритилади.

Тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятини режали текшириш 2020 йилда тикланади ҳамда 2018 ва 2019 йиллардаги даврни қамраб олиш мумкин.

Маҳаллий саноатни ривожлантириш учун хорижий экспертлар жалб этилади

Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиётнинг муҳим соҳаларини ислоҳ қилишга доир узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нуфузли халқаро экспертларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (12.07.2018 йилдаги 534-сон) қабул қилинди.

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси иқтисодиётимизнинг муҳим соҳаларини ислоҳ қилишга доир узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ёрдам берадиган нуфузли халқаро экспертларни жалб этиш юзасидан келишувларга эришди.

Келишувга эришилган ташкилотлар	Келишувлар хусусияти
«Ўзбекэнерго» АЖ; Европа тикланиш ва тарақиёт банки	Электр энергетикасини ислоҳ қилиш ва қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш бўйича стратегик ҳамкорлик
Жаҳон банки гуруҳи; Осиё тарақиёт банки	Электр энергетикасини ривожлантириш ва унга инвестицияларни жалб этиш соҳасида маслаҳат бериш хизматлари
Жаҳон банки гуруҳи	Авиация транспортини комплекс ислоҳ қилиш ва мазкур соҳага инвестицияларни жалб этиш соҳасида маслаҳат бериш хизматлари
Халқаро молия корпорацияси	Табиий газга чуқур қайта ишлов бериш соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш шароитларига таҳлисл қўйиш ва ресурслардан самарали фойдаланилишини баҳолаш
«McKinsey & Company» компанияси (АҚШ)	Кимё саноатини ривожлантириш ва унга хорижий инвестицияларни жалб этиш
«Boston Consulting Group» компанияси (АҚШ)	Республика нефть-газ соҳасини ривожлантириш комплекс стратегиясини биргаликда ишлаб чиқиш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини белгилаш ва улар устида ишлаш, углеводород хом ашёсини қидириш, ўзлаштириш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳаларидаги рентабелли лойиҳаларга хорижий инвесторлар жалб этилишини қўллаб-қувватлаш

Жадвалда санаб ўтилган муассасалар билан битимлар (контрактлар) 1 августга имзоланади. Ўзбекистон томонидан имзоловчи – Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси. 10 августга ҳамкорлик қилиш ҳамда аниқ муддатлар, босқичлар ва қўйилган натижа-

ларни кўрсатган ҳолда улар тақдим этган таклифларни амалда қўллаш дастури қабул қилинади. Халқаро экспертларга ҳар томонлама қўмаклашиш бўйича шахсий жавобгарлик иқтисодиётнинг стратегик соҳалари қорхоналари раҳбарлари зиммасига юклатилган.

Ўзбекистон миллий банки ҳузуридаги Жаҳон бозорлари, инвестициялар ва технологияларни таҳлил қилиш маркази «Инвестициялар эксперт маркази» ДУКга (Марказ) айлантирилди. У Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига инвестициялашнинг истиқболли йўналишлари ва янги лойиҳаларни амалга оширишни таклиф қилади, шунингдек маҳаллий ташкилотлар, халқаро молия институтлари ва компаниялар билан ҳамкорлик қилади, малакали ва нуфузли экспертларни жалб этади (Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан келишган ҳолда).

Хужжатда бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари назарда тутилган. Хусусан, қуйидагилар 2021 йил 1 июлгача озод қилинади:

➤ Ўзбекистон норезидентлари юридик шахслардан олинмаган фойда солигини тўлашдан, хорижий мутахассислар (шу жумладан халқаро экспертлар) эса – Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Марказ билан тузиладиган битимлар (контрактлар) доирасида олинган даромадлар бўйича ЖШДСни тўлашдан;

➤ халқаро экспертлар самарали ишлаши учун Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Марказ билан тузилган битимлар (контрактлар) доирасида рўйхатлар бўйича олиб қилиладиган асбоб-ускуналар, компьютер техникаси, телеком-тизим ва бошқа воситалар – божхона тўловларини тўлашдан (божхона йиғимлари бундан мустасно).

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 17.07.2018 йилдан кучга кирди.

Айрим даъво аризаларидан ундириладиган давлат божи миқдори оширилди

Вазирлар Маҳкамасининг 17.07.2018 йилдаги 544-сон қарори билан Давлат божи ставкаларига (ВМнинг 3.11.1994 йилдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган) ўзгартиришлар киритилди.

Киритилган тузатишларга мувофиқ, фуқаролик ишлари бўйича судларга ва иқтисодий судларга мурожаат қилганда ундириладиган давлат божи миқдорлари оширилди. Ошириш дахл этадиган даъво аризалари турлари қуйидаги жадвалда акс эттирилган.

Даъво талабларининг туси	Давлат божи ставкаси	
	18.07.2018 йилгача	18.07.2018 йилдан
Фуқаролик ишлари бўйича судлар		
Мулкий тусдаги даъво аризаларидан	даъво баҳосининг 2%, бироқ камида ЭКИХнинг 50%и	даъво баҳосининг 4%, бироқ камида ЭКИХнинг 1 баравари
Никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан	ЭКИХнинг 50%и	ЭКИХнинг 2 баравари
Такрорий никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан	ЭКИХнинг 120%и	ЭКИХнинг 4 баравари
Уй-жойларни ижарага олиш шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаларидан, ворисликни қабул қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги, хатланган мулкни қайтариб бериш тўғрисидаги ва мулкка оид бўлмаган тусдаги (ёки баҳоланмайдиган) бошқа даъво аризаларидан	ЭКИХнинг 50%и	ЭКИХнинг 2 баравари*
Алоҳида кўриб чиқиладиган ишлар бўйича аризалардан (шикоятлардан)**	ЭКИХнинг 10%и	ЭКИХнинг 1 баравари
Иқтисодий судлар		
Мулкий тусдаги даъво аризаларидан	даъво баҳосининг 1%, бироқ камида ЭКИХнинг 1 баравари	даъво баҳосининг 2%, бироқ камида ЭКИХнинг 1 баравари*
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг мулкый тусдаги даъво аризаларидан	даъво баҳосининг 1%и	ЭКИХнинг 1 баравари*

УШБУ СОНДА

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
1-2, 5-бетлар

• РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

– «Иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлашга доир қўшимча

чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида».

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 30 июндан 6 июлгача бўлган маълумот 3-4-бетлар

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Таътилни расмийлаштириш: иш беврувчи йўл қўядиган 5 та хато

6-7-бетлар

• ЮРИДИК МАСЛАХАТЛАР

– Агар таътил байрам кунларига тўғри келса...

7-бет

• АВТОНОРМА

– ЙХҚни бузганлик учун жарима тўлашнинг қулай усули
– Пойтахт марказидаги туннель остига радар ўрнатилди
– Жамоат транспортида видеорегистратор мажбурий ўрнатилиши мумкин
– «Эгилувчан» белгилар синовдан ўтмоқда

8-бет

Таҳририй аниқ хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига қўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

– Иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

• МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РҲҲАТИДАН ЎТҚАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 30 ИЮНДАН 6 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШINI ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 26 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-сонли қонунлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11–12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда) **565-моддасига** қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

ИККИНЧИ ҚИСМ «нотариал тасдиқланган бўлиши керак» деган сўзлардан кейин «бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Енгил автомобиллар ва мотортранспорт воситаларини ижарага бериш бўйича хизмат кўрсатадиган юридик шахслар жисмоний шахслар билан енгил автомобиллар ва мотортранспорт воситаларини ўттиз кунгача бўлган муддатга ижарага бериш шартномаларини оддий ёзма шаклда тузишлари мумкин».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги 719-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–380-сонли Қонуни тахририда)

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 12, 342-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 6-модданинг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Инвестиция лойиҳаси иқтисодий, иқтимоий наф ва бошқа йўсиндаги наф олиш учун инвестицияларни амалга оширишга ёҳуд жалб этишга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар комплекси ёки алоҳида тадбирдир»;

2) 15-модда биринчи қисмининг тўққизинчи хатбоши-сидаги «Инвестиция дастурига» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 18-модданинг иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 20-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**20-модда.** Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари – бу узок муддатли истиқбол учун тасдиқланадиган, тармоқ, ҳудудий ва мақсадли ривожланиш концепциялари асосида шакллантирилган ҳамда мамлакат иқтисодиётини барқарор ва изчил ривожлантиришга эришишга, мавжуд табиий, минерал-хом ашё, молиявий, моддий, меҳнат ресурсларидан ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш йўли билан мамлакат иқтисодиётининг айрим тармоқлари ҳамда минтақаларини тузилмавий жиҳатдан ўзгартириш бўйича асосий устуворликлар ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган ўзаро узвий боғлиқ бўлган чоралар мажмуидир.

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари тасдиқланган ривожлантириш концепциялари асосида мамлакатни иқтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умум-давлат дастурлари бажарилишини таъминлаш мақсадида уч йиллик муддатта шакллантирилиб, бунда инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш муддатлари ҳамда молиялаштириш манбалари ҳисобга олинади, уларнинг

*Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 27.07.2018 йилда расман эълон қилинган.

асосий кўрсаткичлари ҳар йили аниқлаштириб ва янгиллаб борилади. Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш манбалари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан белгиланади;

5) **21-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президентини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган УРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар; № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда; № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар; № 10, 380-модда; № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; № 9, 248-модда; № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда; № 9/1, 238-модда; № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда; № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; № 9, 244-модда; № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда; № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; № 9, 276-модда; № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда; № 6, 300-модда; № 9, 510-модда; № 10, 605-модда; № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; № 4, 224-модда) **282-моддаси иккинчи қисмининг 18-бандидаги** «Инвестиция дастурига» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган УРҚ-360-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **23-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «Давлат инвестиция дастурида» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **49-модданинг иккинчи хатбошисидаги** «Давлат инвестиция дастурига» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **152-модда бешинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «давлат инвестиция дастурларини» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **154-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «давлат инвестиция дастурини» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **177-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «давлат инвестиция дастурларини» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 майда қабул қилинган «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги УРҚ-386-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 5, 179-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгаришлар киритилсин:

1) **6-модда:**

бешинчи қисми «бир йил муддатга тузилади» деган сўзлардан кейин «бундан ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Йўловчиларни ва уларнинг мол-мулкни автомобилда ташишни амалга оширувчи ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш шартномаси уч ойдан бир йилгача бўлган муддатга тузилиши мумкин»;

олтинчи ва еттинчи қисмлари тегишлича **еттинчи ва саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **8-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта полиси (бундан буён матнда сугурта полиси деб юритилади) тегишли бланкада ва ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш шартномасига киритилган транспорт воситаларининг сонига тенг нусхаларда расмийлаштирилади. Сугурта полиси бланкаси қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат бўлиб, ҳисобга олиш сериясига, рақамига ва химояланганлик даражасига эга бўлиши керак.

Сугурта полисида қуйидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак:

сугурталовчи тўғрисидаги;
ташувчининг номи ва жойлашган ери (почта манзили) ҳақидаги;

сугурталовчининг, унинг барча филиалларининг номи, жойлашган ери (почта манзили), улар билан алоқа боғлаш воситалари ҳамда уларнинг иш вақти тўғрисидаги;

ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш шартномасининг амал қилиш даври ҳақидаги;

сугурта мукофоти тўғрисидаги;

сугурта пули ҳақидаги;

ташувчининг транспорт воситаси (вагонлари) (тури, маркаси, модели, рақамли (танитувчи) белгиси, ишлаб чиқарувчи завод паспорти бўйича йўловчи сигими) тўғрисидаги;

ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш шартномасининг бошқа муҳим шартлари ҳақидаги»;

3) **16-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ташиш кунда амалда бўлган сугурта полисининг нусхасини ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш шартномасига киритилган барча транспорт воситаларига ва (ёки) ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган УРҚ-400-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгаришлар киритилсин:

1) **32-модданинг учинчи қисми** «Божхона ҳудудига қайта ишлаш божхона режимда» деган сўзлардан кейин «ёки вақтинча олиб кириш божхона режимда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **64-модда тўртинчи қисмининг тўққизинчи хатбошисидаги** «инвестиция дастурига» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **245-модда:**

биринчи қисмининг:

тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошиси тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси «контрактлар бўйича муддатга ўтган дебиторлик қарзи узилтунига қадар рад этишга» деган сўзлардан кейин «бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **260-модданинг «г» кичик банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«г) товарнинг кузатув ҳужжатларидан фойдаланилган ҳолда:

юридик шахслар учун ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар учун қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваригача бўлган товарларни боғхона чегараси орқали олиб ўтишда, бундан товарлар ташқи савдо контрактлари (шартномалари, келишувлари) бўйича мажбуриятларни бажариш доирасида олиб ўтилаётган ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳоллар мустасно;

хориждаги кўргазма ва ярмаркаларда намоиш этиш учун мўлжалланган, ушбу товарларни декларациялаш кунда расмий айирбошлашнинг қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича беш минг АҚШ долларигача бўлган эквивалентдаги товарларни олиб чиқишда, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

қиймати расмий айирбошлашнинг ушбу товарларни декларациялаш кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича бир минг АҚШ долларигача бўлган эквивалентдаги товарларни умумжаҳон Интернет тармоғида онлайн дўконлари орқали экспорт қилиш чоғида амалга оширилади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган УРҚ-461-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова) **27-моддасининг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Банкротлик тўғрисидаги ишлар жумласига юридик шахс-

ларни ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва қонунда белгиланган тартибда яқна тартибдаги тадбиркор мақомини олган фуқароларни, шунингдек пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган, яқна тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсларни, агар пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятлар уларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиққан бўлса, банкрот деб топиш тўғрисидаги ишлар кирди».

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

9-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ушбу Қонуннинг 5-моддаси ушбу Қонун қучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини Ш.МИРЗИЕВ.

*Тошкент ш.,
2018 йил 26 июль
УРҚ-488-сон.*

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 30 ИЮНДАН 6 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. ДАВЛАТ РЎХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/18-сон «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятида қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 2 июлда рўхатдан ўтказилди, рўхат рақами 3030.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 26 майдаги 19/3-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида статистик ҳисоботни ташкил этиш қоидаларини, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 2 июлда рўхатдан ўтказилди, рўхат рақами 680-2.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 26 майдаги 19/2-сон «Тижорат банкларида статистик ҳисоботларни юритиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 2 июлда рўхатдан ўтказилди, рўхат рақами 3031.

4. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2018 йил 18 июндаги 6-мх-сон «Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 3 июлда рўхатдан ўтказилди, рўхат рақами 2898-1.

5. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини

назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 19 июндаги 114/6-сон «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудига фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларининг (ЎЗР АҚ-91) I боб биринчи параграфига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 3 июлда рўхатдан ўтказилди, рўхат рақами 1723-10.

6. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 18 июндаги 1-мх-сон «Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 3 июлда рўхатдан ўтказилди, рўхат рақами 3032.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 28 майдаги 19, 100-сон «Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржаси биржа савдоларида омухта емини сотиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 3 июлда рўхатдан ўтказилди, рўхат рақами 1884-1.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 28 майдаги 18, 99-сон «Омухта емини биржа савдолари орқали реализация қилиш (сотиш) тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 3 июлда рўхатдан ўтказилди, рўхат рақами 3033.

9. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2018 йил 12 июндаги 7, К-13-сон «Маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини қийсладан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2736-2.

10. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 4 июндаги 14/6-сон «Давлат илмий-техника дастурида доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш харажатларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3034.

11. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 4 июндаги 14/4-сон «Илмий лабораторияларни яратиш ва қўшимча жиҳозлаш бўйича танловларни ўтказиш, шунингдек зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3035.

12. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 4 июндаги 14/5-сон «Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар), шу жумладан илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олиннадиган юқори технологияли асбоб-ускуналарда ишлаш методикасини ўзлаштириш учун қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш мақсадида уларни танлов асосида саралаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3036.

13. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 6 июндаги 154-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озолиқдан маҳрум қилиш туридаги жазони иккю этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг Ўзбекистон Республикаси банкларидан статистик ҳисоботни ташкил этиш қоидалари (рўйхат рақами 680, 1999 йил 22 март), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 680-1, 2002 йил 5 октябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 2 июлдаги 343-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг «Мақтабча таълимга қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2898, 2017 йил 17 июль).

Адлия вазирининг 2018 йил 3 июлдаги 345-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Товар-хон ашё биржаси биржа савдоларида омухта ёмни сотиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1884, 2009 йил 16 январь).

Адлия вазирининг 2018 йил 3 июлдаги 348-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Импорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби

2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-2.

14. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 6 июндаги 155-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2456-2.

15. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 5 июндаги 356-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-6.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 19 июндаги 01-02/20-49, 16/24-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қўрилмаларни олиб ўтиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 526-6.

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 14 июндаги 01-02/12-47-сон «Импорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида» қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2419-3.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 14 июндаги 01-02/12-45-сон «Бир ташқи савдо шартномаси доирасида айнан бир хил товарларнинг божхона расмийлаштирувини даврий божхона юк декларацияси тақдим қилиш йўли билан амалга ошириш тартиби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3037.

тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида» қарори (рўйхат рақами 2419, 2013 йил 30 январь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2419-1, 2014 йил 24 ноябрь), (рўйхат рақами 2419-2, 2016 йил 7 апрель).

Адлия вазирининг 2018 йил 5 июлдаги 358-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Ломбард томонидан ҳисоботлар тақдим этиш тартиби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1289, 2003 йил 10 декабрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1289-1, 2013 йил 20 февраль).

Адлия вазирининг 2018 йил 5 апрелдаги 205-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2322, 2012 йил 3 февраль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2322-1, 2017 йил 4 декабрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 5 апрелдаги 206-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Айрим даъво аризаларидан ундириладиган давлат божи миқдори оширилди



Изоҳлар:

***Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолияти доирасида судларга мурожаат қилганда белгиланган ставканинг 50%ини тўлайдилар.**

****Алоҳида иш юритиш тартибида кўриб чиқиладиган ишлар жумласига куйидагилар киради:**

- юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги (ФПҚнинг 295-моддасига қаранг);
- болани фарзандликка олиш ҳақидаги;
- фуқарони бедарак ўқолган деб топиш ва фуқарони вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги;

рони вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги;

➢ фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомала лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги;

➢ шахсни ғайрихушбўғи тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги;

➢ шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайрихушбўғи тартибда ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги;

➢ вояга етмаган шахсни тўлиқ муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) тўғрисидаги;

➢ мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш ҳақидаги;

➢ тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар ўқолган тақдирда, улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш (чақариб иш юритиш) тўғрисидаги;

➢ ўқолган суд ишини юритишни тиклаш тўғрисидаги.

Кўрииб турганидек, айрим ҳолларда улар 2 баравар, 3, 4 ва ҳатто 10 баравардан ортиқ миқдорда оширилган. Давлат божининг бошқа ставкалари (жадвалда кўрсатилмаган) аввалги даражада сақланиб қолди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 18.07.2018 йилдан кучга кирди.

Энергия сервис шартномаси қандай тузилади

Вазирлар Маҳкамасининг 18.07.2018 йилдаги 551-сон қарори билан Энергия сервис хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Эслатиб ўтамиз, 2018 йилдан давлат органлари ва муассасаларининг бино ва иншоотларини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, қуриш ва фойдаланишга топширишда уларда энергия самарадор ва энергия тежамкор технологиялардан, 2022 йилдан эса уларнинг бино ва иншоотларида иссиқ сув таъминоти учун куёш сув иситгич қурилмалари ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энергия тежамкор лампалардан фойдаланиш шарт (8.11.2017 йилдаги ПҚ-3379-сон).

Электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ва сувдан фойдаланишнинг энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлигини оширишга йўналтирилган хизматлар етказиб берувчи ва буюртмачи ўртасида тузилган энергия сервис шартномаси доирасида кўрсатилади. Хизматлар ҳақи энергия ресурсларининг эришилган тежаш миқдоридан келиб чиқиб тўланади. Бундай

шартномаларнинг бошқа мажбурий шартлари (томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги ва ҳ.к.) ҳужжат билан белгиланган. УҚХ вазирлиги предметиға қараб уларнинг намунавий шакллари тасдиқлайди.

Давлат органлари ва ташкилотлари учун энергия самарадор ва энергия тежамкор технологияларнинг ягона етказиб берувчиси Миллий энергия тежаш компанияси ҳисобланади. Яъни бу ҳолда ягона етказиб берувчидан давлат хариди амалга оширилади: махсус ахборот порталида рўйхатга олинishi лозим бўлган тўғридан-тўғри шартнома тузилади («Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуннинг 67-моддаси).

Энергия сервис шартномаси куйидаги тартибда тузилади. Етказиб берувчининг сўровномаси бўйича буюртмачи – давлат органи ёки ташкилот шартнома

тузилиши мўлжалланаётган объектлар тўғрисида маълумотлари (сўровномада келтирилган шаклда) тақдим этади. Буюртмачи текшириш учун кўрсатилган объектларга кириш имконини олади, сўнг ушбу объектларнинг амалдаги техник ҳолати ва иш режимларини аниқлаш учун комиссия тузади.

Етказиб берувчи маълумотларни олган кунидан бошлаб 15 кун муддатда лойиҳаолди ва/ёки лойиҳа ҳужжатларини ва офертани тайёрлаб, буюртмачига юборади. Буюртмачи оферта олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида етказиб берувчига акцепт тўғрисида, акцептдан бош тортиши тўғрисида хабарнома ёхуд офертага келишмовчиликлар протоколини йўлайди.

Акцепт тўғрисида ёки офертани бошқа шартларда акцептлаш тўғрисидаги хабарномага асосан икки томоннинг розилиги билан улар ўртасида шартнома тузилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 19.07.2018 йилдан кучга кирди.

Божхоначиларга – имтиёзли ипотека ва ижара компенсацияси

Вазирлар Маҳкамасининг 18.07.2018 йилдаги 553-сон қароридан тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар назарда тутилган.

Уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси амалдаги сарф-харажатлар доирасида (коммунал хизматлар ҳақи бундан мустасно), лекин:

- Тошкент шаҳрида – ЭКИХнинг 4 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда;
- Нукус шаҳрида ва вилоятлар марказларида – ЭКИХнинг 3 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда;
- бошқа шаҳарлар ва туманлар марказларида – ЭКИХнинг 2 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

Дастлабки бадални олиш учун

Давлат божхона хизмати ходими дастлабки бадални ДБҚнинг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси (Махсус жамғарма) маблағлари ҳисобидан олиши мумкин. Бунинг учун у иш жойи бўйича ҳудудий комиссияга (ДБҚ марказий аппарати ходими – ДБҚ комиссиясига) қарз бериш тўғрисида ариза бериши ва унга куйидагиларни илова қилиши лозим:

- ходимнинг ва у билан бирга яшайдиган оила аъзоларининг даромадлари тўғрисида охириги 12 ой учун доимий яшаш жойидан берилган маълумотномалар ёки уларнинг худди шу давр учун даромадлари тўғрисидаги декларацияларнинг яшаш жойидаги солиқ идораси томонидан тасдиқланган нусхалари;
- оиласи таркиби тўғрисида яшаш жойидан берилган маълумотнома ва ўз паспорти нусхаси;
- лавозимга тайинлаш тўғрисидаги тегишли буйруқнинг нусхаси.

Ҳужжатларни ҳудудий комиссия 10 кун муддатда,

ДБҚ комиссияси бир ҳафта муддатда кўриб чиқади. Якуний ижобий қарор қабул қилинган тақдирда ариза берувчи билан гаров таъминоти ёки кафиллик ҳужжати тақдим этилган ҳолда фоизсиз ва қайтариш асосида қарз шартномаси тузилади. Қарзни қайтаришнинг чекланган муддати – 10 йил. Қарзни иш ҳақи, пенсия, гонорарлар, дивидендлар, фоизлар ва бошқа даромадлар, ш.ж. қимматли қоғозлар бўйича олинadиган даромадлар ҳисобига ёхуд банк омонатларидан пул ўтказиб қайтариш мумкин.

Фақат 3 та ҳолатда маблағ ажратишни рад этишлари мумкин:

- зарур тарзда расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилиши;
- ҳужжатларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар мавжудлиги;

Махсус жамғарма маблағлари етишмаслиги.

Компенсация олиш учун

Пул компенсациясини олиш учун вақтинча яшаш жойини ва уй-жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун коммунал хизматлар қийматисиз амалдаги харажатлар суммасини кўрсатган ҳолда ариза бериш лозим. Унга куйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқнинг нусхаси;
- никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ оила аъзолари деб эътироф этилган бошқа шахслар ҳужжатларининг нусхаси;
- уй-жойни ижарага олиш (ижарада туриш) шартномасининг нусхаси.



Тақдим этилган ҳужжатлар асосида миқдорини кўрсатган ҳолда пул компенсацияси тайинлаш тўғрисида буйруқ чиқарилади. Бунда ижарага олинган уй-жойда яшаш ва яшаш жойини ўзгартириши доимий назорат остида бўлади.

Пул компенсацияси тўлаш тайинланган жойга келгандан (сайлангандан) кейин уй-жой ижарага олинган (ижарада турган) кундан бошлаб уй-жойни ижарага олиш (ижарада туриш) шартномаси асосида амалга оширилади. Ходимга бола 2 ёшга тўлгунча уни парвариш қилиш учун таътил берилган тақдирда, пул компенсацияси таътилнинг бутун даврига, бироқ ходим ушбу уй-жойда яшаш шarti билан берилади.

Ходимга хизмат уй-жой майдони берилган тақдирда ёки у уй-жой сотиб олганда, унинг ваколатлари тўхтатилганда ва тугаганда пул компенсацияси тўлаш тўхтатилади. Дастлабки 2 ҳолатда ходим бухгалтерияга пул компенсацияси тўлашни тўхтатиш тўғрисида ариза бериши шарт.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 19.07.2018 йилдан кучга кирди.

Таътилни расмийлаштириш: иш берувчи йўл қўядиган 5 та хато

Ҳозир таътил мавсуми авж паллага чиққан. Шунинг учун биз ходимларни таътилга жўнатаётган иш берувчилар ҳар гал йўл қўядиган қоидабузарликлар ҳақида сўз юритиб, айрим долзарб масалалар – таътиллار жадвалини юритмаслик мумкинми-йўқми, таътилда чақириб олиш қандай расмийлаштирилиши, қайси ходимлар ўзлари учун қулай вақтда таътилга чиқишлари мумкинлиги ва бошқалар юзасидан тушунтириш берамиз.

1. Таътиллار жадвали нотўғри расмийлаштирилади ёхуд умуман мавжуд бўлмайди

Таътиллار жадвали – йиллик таътиллар бериш навбати белгиланган локал норматив ҳужжат. У мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналар, муассасалар, ташкилотларда мавжуд бўлиши шарт. Ушбу ҳужжат бўлмаса, меҳнат ҳуқуқ инспекцияси иш берувчини жавобгарликка тортиши мумкин.

Жадвал кўпинча амалиётда рўй берганидек кейин эмас, балки календарь йил бошлангунга қадар тасдиқланган бўлиши шарт.

Ушбу ҳужжатни расмийлаштириш тартиб-таомилида ҳам муҳим жиҳат мавжуд – у касба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилиши шарт. Бу Меҳнат кодексининг 144-моддасида назарда тутилган. Вакиллик органининг

тегишли қарорисиз жадвал юридик кучга эга бўлмайди, бунда у мавжуд эмас деб қабул қилинади.

Жадвалнинг келишилиши деганда вакиллик органининг уни тасдиқлашга розилигини олиш назарда тутилади. Баъзан амалиётда бунинг учун вакиллик органи раҳбари (касаба уюшмаси кўмитаси раиси) унга имзо қўйиши кифоя деб хато ўйлайдилар. Бу нотўғри, сабаби вакиллик органи – коллегиял орган, тегишинча, кўпчилигининг розилик бериши талаб этилади.

Вакиллик органининг қарори одатда баённома тарзида расмийлаштирилади. Унинг рақами ва санаси жадвалнинг титул varaги юқори чап бурчагида қайд этилади, бу унинг келишилганлигидан dalolat беради.

2. Иш йили тугагунга қадар ходимга таътил берилмайди

Афсуски, иш берувчилар орасида бундай йўсинда иш тутиш одат тусига кирди. Кўпинча ходимлар йиллаб ўзларига тегишли таътилни олмайдилар. Мазкур ҳуқуқбузарлик юзасидан турфа хил баҳона ва далиллар – ишлаб чиқариш жараёни узлуксизлигидан тортиб, ходимнинг ўзи таътилга чиқишни истамагани рўқач қилинади. Бироқ ҳеч қандай омилларга қарамай, иш берувчи ходимга ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар таътил бериши лозим. Бундай мажбу-

рият МКнинг 143-моддаси 5-қисмида белгиланган. Йиллик таътилларнинг ўз вақтида берилмаслиги келгусида ходимлар учун ҳам, иш берувчилар учун ҳам кўп муаммо ва қийинчиликларни юзага келтириши мумкин. Бунинг устига, ходим унга берилиши лозим бўлган таътилга чиқмаган бўлса, қонун меҳнат шартномаси бекор қилинганда унга улар учун пуллик компенсация олиш ҳуқуқини беради (МКнинг 151-моддаси).

МИСОЛ. Мактабгача таълим муассасасида қарийб 10 йил ишлаган ходима ишлаган бутун давр мобайнида бирон марта йиллик меҳнат таътилини олмаган. Ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаётганда фойдаланилмаган барча таътиллار учун пуллик компенсацияни талаб қилди. Болалар богчаси мудираси ходиманинг барча таътиллари унинг айбига кўра ўз вақтида фойдаланилмаганлиги сабабли «қўйганлигини», сабаби унинг ўзи таътилга чиқишни истамаганини рўқач қилиб, унга рад жавобини берди. Ходима меҳнат органига мурожаат қилди, шундан кейин тўлалиши лозим бўлган компенсацияни тўлаш мажбурияти иш берувчи зиммасига юклатилди. Бироқ бунда туман молия бўлими билан муаммолар юзага келди. Туман молия бўлимининг масъул ходими сумма салмоқли эканлиги, бунинг устига харажатлар сметасига киртилмаганлигини ваз қилиб, тўловлар суммасини ўтказишни рад этди. Охир оқибатда анча вақт ўтгач пуллик компенсация тўлаб берилди. Бироқ ходима бунда маънавий зарар қўрди, мудира эса маъмурий жавобгарликка тортилди – унга жарима солинди.

Кадрлар бўйича ходимларнинг кўпчилигини ташвишга солувчи бошқа масала – «йигилиб қолган» таътиллари нима қилиш керак: уларни бир йилда бир йўла берса бўладими ёки улар «қўядими»?

Меҳнат қонунчилиги мутахассислари орасида бу борадаги фикрлар их-

тилофли. Шу сабабли биз иш берувчиларга бу масалада қонунга қатъий риоя қилиб, ходимларни бунинг учун белгиланган муддат давомида, яъни жорий иш йили тугагунга қадар меҳнат таътилларига чиқаришларни маслаҳат берамиз.

3. Биринчи иш йили тўлиқ ишламаган ходимларга корхонада белгиланганидан кам давом этадиган таътил берилади

Кадрлар бўйича ходимлар хато фикр юритиб, агар ходим иш йилида тўлиқ ишламаган бўлса, тўлиқ таътил олиши керак эмас деб ҳисоблайдилар. Бу нотўғри. Ходимга йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун 6 ой ишлангандан кейин берилади (МКнинг

143-моддаси 1-қисми). Бу ҳолда ба-рибир ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаган ҳолда тўлиқ таътил (ёки кадрлар бўйича ходимлар айтганидек – «аванс тариқасидаги таътил») берилади (МКнинг 148-моддаси).

МИСОЛ. Ходим 2017 йил октябрда таътил муддати 24 иш куни этиб белгиланган ташкилотга ишга қабул қилинди. Таътиллار жадвалига кўра унинг меҳнат таътилини олиш навбати 2018 йил июнда келди. Кадрлар бўлими ходими расмийлаштирилаётган буйруқда ходимга 16 иш кунидан иборат, яъни ишлаган 8 ойга мутаносиб равишда таътил берилишини қайд этди. Ташкилот юрисконсульти буйруқни ноқонуний деб ҳисоблаб, унга имзо қўймади ва биринчи иш йили учун меҳнат таътили 6 ой ишлагандан кейин ходимларнинг мазкур тоифаси учун белгиланган муддатга берилиши мумкинлигини тушунтирди.

Таълим муассасаларининг педагог ходимларига ва ўриндошлик асосида ишловчи ходимларга бериладиган таътиллари ушбу қоидадан мустасно, уларнинг таътил кунлари учун меҳнат таътилидан фойдаланиш кунига ҳисобланган вақтга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

Кадрлар бўйича ходимларнинг кўпчилигини чалғитувчи таътиллари муддатини ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқариш тартиби тўғрисидаги МКнинг 141-моддаси бошқа турли ҳолатларда, кўпинча ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилганда фойдаланилмаган таътил учун компенсация миқдорини ҳисоблашда қўлланилади.

Бундан ташқари, ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган иш йили тугамас-

дан туриб ишдан бўшаганда, МКнинг 164-моддасида иш берувчи таътилни ишланмаган кунлари учун унинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш мажбурияти юклатилади. Меҳнат шартномаси айрим асосларга кўра бекор қилинганда бундай ушлаб қолиш амалга оширилмайдиган ҳолатлар бундан мустасно (МКнинг 89-моддаси 4-қисми, 100-моддаси 2-қисми 1, 2-бандлари, 106-моддаси 1, 2-бандлари).

4. Ходимнинг розилиги олинмай, таътилда чақириб олинади

Бу ҳам иш берувчи кўп йўл қўядиган ҳуқуқбузарликлардан бири. Ходим узоқ кутилган таътилга чиқиб улгурмай, тўсатдан иш берувчи кўнгирак қилиб, зудлик билан ишга чиқишни талаб қилади.

Қандай ишлаб чиқариш зарурати бўлмасин, ходим ўзининг қонуний таътилини тўхтатишга мажбур эмас. Ҳар қандай чақириб олишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Шу сабабли ходимнинг таътили тугагунча иш берувчининг ишга чиқиш тўғрисидаги буйругини бажаришни рад этиши меҳнат интизомини бузиш ҳисобланмайди.

Қолаверса, ҳатто ходим розилик берган тақдирда ҳам, бунда қонунчиликда белгиланган талабларни бажариш имкони бўлсагина, уни чақириб олишга йўл қўйилади. Бу билан нима демоқчимиз? Гап шундаки, чақириб олиш таътилни қисмларга бўлиш ва уни бошқа муддатга қўчириш тўғрисидаги нормалар талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилади. Бу ҳолда таътилни бир қисми 12 иш кунидан кам бўлмаган таътили тугагунча иш йили давомида фойдаланилиши лозим. Ушбу 12 кундан ортиқ бўлган бошқа қисмини эса кейинги иш йилига қўчириш мумкин.

МИСОЛ. Ходим 2018 йил 26 июндан унинг учун белгиланган 18 иш кунликл таътилга чиқди. Таътилни 3 кун ўтган, 29 июнда ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра ходим ўз розилиги билан таътилдан қақриб олинди. Демак, жорий иш йили тугагунга қадар унга умуман олганда яна 9 кун таътил ($3 + 9 = 12$) беришлари керак, 6 иш кунни эса кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин.

Бу – муҳим! Қақриб олиш муносабати билан жорий йилда 12 иш кунликл мажбурий қисмини беришнинг имкони бўлмаса, таътилдан қақриб олишга йўл қўйилмайди.

МИСОЛ. Ходимга 25 июндан 11 июлгача тегишли 15 иш кунликл меҳнат таътили расмийлаштирилди. Бироқ 2 июлда унинг ушбу таътил берилган иш йили тугайди. Бу ҳолда қақриб олиш ҳуқуққа зид бўлади, сабаби иш йили тугагунга қадар ходим таътилни 12 иш кунликл мажбурий қисмидан фойдаланишга улгурмайди.

Меҳнат шароити ноқулай ишлар учун бериладиган қўшимча таътиллار ҳақида ҳам унутмаслик керак, улардан жорий йилда албатта фойдаланилиши лозим ва кейинги иш йилига кўчирилмайди. Яъни иш йили тугагунга қадар ходимга таътилни бундай қисмини беришнинг иложи бўлмаса, қақриб олишга умуман йўл қўйилмайди.

Кадрлар хизмати ходимларининг кўпчилиги таътилдан қақриб олишни расмийлаштиришни тартибга солишда қийналади.

Сабабини тушунтирамиз. Ходимни таътилдан қақриб олиш учун иш

берувчи буйруқ чиқаради. Тегишинча ходимнинг розилиги буйруқ учун асос ҳисобланади. Бундай розилик одатда ходимнинг аризаси билан расмийлаштирилади, унинг мазмуни кимнинг ташаббусига кўра қақриб олинаётганлигига боғлиқ. Агар ходимнинг ўзи таътилдан муддатидан аввал чиқиш истагини билдирса – у қақриб олишларини сўраб ариза ёзади. Ташаббус иш берувчидан қақётган бўлса – ходим қуйидаги мазмундаги аризани ёзиши мумкин: «таътилдан қақриб олишларига эътирозим йўқ».



5. Таътил ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак бўлган ходимлар тоифаси ҳисобга олинмайди

Аксариат иш берувчилар таътиллار жадвалини барча ходимларнинг истақларини инобатга олиб тузишга қанчалик уринмасин – турли сабабларга кўра бунга доим эришиб бўлмайди. Таътиллари ишлаб чиқариш жараёнига ва корхона бир маромда фаолият юритишига раҳна солмаслиги керак. Шу сабабли айрим ходимларнинг манфаатларини доим назарда тутиб бўлмайди.

Бироқ ҳеч бир вазият қуйидаги тоифадаги ходимларга улар учун қулай бўлган вақтда таътил беришни рад этишга асос бўла олмайди:

- 14 ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортқ болани (16 ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизмат

ни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;

- I ва II гуруҳ ногиронларига;
- 18 ёшга тўлмаган шахсларга;
- таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга;
- 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;
- корхонанинг жамоа шартномаси ёки келишувда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Тегишли маълумотлар қайд этилган ҳужжатлар, масалан: ўқиш жойидан берилган маълумотнома, эри (хотини) вафот этганлиги тўғрисида гувоҳнома, ТМЭК ҳулосаси ва ҳ.к. кўрсатилган тоифадаги ходимларга ушбу кафолатни бериш учун асос бўлади.

Агар таътил байрам кунларига тўғри келса...

2018 йил август–сентябрь ойларида таътил кунлари режалаштирилиши, расмийлаштирилиши, ҳисоб-китоб қилишини ва ҳақи тўланиши муносабати билан Президентнинг 28.12.2017 йилдаги ПФ–5290-сон Фармонида мувофиқ иш вақтини ҳисобга олиш табелига тузатиш киритиш зарур.

Эслатиб ўтамиз, Фармон 5 кунликл иш ҳафтаси белгиланган ташкилотларга татбиқ этилади.

Қурбон ҳайитини нишонлаш

2018 йил 22 августда* Ўзбекистонда Қурбон ҳайит байрамидининг 1-куни нишонланади. Ушбу санага Фармон билан 2 та дам олиш кунни – 23 ва 24 август қўшилади, улар тегишинча шанба 25 ва якшанба 26 августдан кўчирилади. 25 ва 26 август иш кунлари бўлади.

Мустақиллик кунини нишонлаш

2018 йил 31 август қўшимча дам олиш кунни деб эълон қилинди. 2018 йил 1 сентябрь – байрам кунни (МКнинг 131-моддаси), 2018 йил 2 сентябрь календарь бўйича дам олиш кунни ҳисобланади. Ушбу саналарга яна 2 та дам олиш кунни – 2018 йил 3 ва 4 сентябрь қўшилади, улар кейинги шанба 8 ва 15 сентябрдан кўчирилади. Тегишинча, 8 ва 15 сентябрь иш кунлари бўлади.

Юқорида баён этилганларга кўра, таътил кунларини ҳисоблашда МКнинг 131 ва 139-моддаларига мувофиқ иш, байрам, шанба ва якшанба кунларини тўғри кўрсатиш, таътил кунларини, таътилни бошланиш ва якунланиш саналарини тўғри ҳисоблаш, шунингдек ходимлар учун энг қулай пайда таътилни режалаштиришларида ёрдам бериш зарур.

Қуйидаги кўринишдаги табель-жадвалдан фойдаланишни таклиф этамиз:

Август																														
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
Сентябрь																														
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	

Ушбу жадвалларда қайси кунлар байрам, дам олиш кунлари ҳисобланиши ва таътил кунлари ҳисобига киритилмаслиги, шунингдек таътил кунлари ҳисобига киритилмаган қолган кунлар яққол кўринади ва уларни ҳисоблаш осон бўлади.

Бу – муҳим! 23 август, 3 ва 4 сентябрь ходимларнинг таътил кунлари ҳисобига киритилган бўлса, улар кейинчалик тегишинча 25 август, 8 ва 15 сентябрда ишлаб беришлари керак эмас.

1-МИСОЛ. Ходимга 1 августда 18 иш кунликл меҳнат таътили расмийлаштирилади. Унга 21 августгача (21 август ҳам қиради) таътил берилади, ишга чиқиш кунни 23 августга тўғри келади, бироқ ушбу сана Фармонга мувофиқ шанба 25 августдан кўчирилган дам олиш кунни ҳисобланиши сабабли тегишинча ходимнинг ишга чиқиш кунни айни 25 август бўлади.

2-МИСОЛ. Ходим 13 августдан 24 иш кунига меҳнат таътилин расмийлаштиради. Унга 12 сентябргача (12 сентябрь ҳам қиради) таътил берилади, ишга чиқиш кунни – 13 сентябрь.

Бу ҳолда қуйидагилар таътил кунлари ҳисобига киритилади:

- барча календарь иш кунлари + календардаги шанба – 18 август;
- пайшанба 23 август, ундан кейин келувчи шанба шу кунга кўчирилади;
- душанба 2 сентябрь ва сешанба 3 сентябрь, календардаги кейинги иккита шанба кунлари шу кунларга кўчирилиб, унинг учун иш кунлари бўлади.

Валерия Ляндрес, кадрлар бўлими ходими.

*Қурбон ҳайитни (Ийд ал-Адҳа) нишонлаш санаси тахминан кўрсатилган, у бир кунга кўчирилиши мумкин.

Реклама ва эълонлар

Эътибор беринг! Иш берувчи ишлаётган эркакларга меҳнат таътилин уларнинг хоҳишларига биноан хотинларининг ҳомиладорликл ва туғиш таътили даврида бериши шарт. Тегишли даволаш муассасасида ходимнинг хотинига ушбу даврга берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бунга асос бўлади. Шу ўринда ходимга касаллик варақасида кўрсатилган бутун даврга эмас (сабаби у 4 ойдан ортқ муддатни ташкил этади), балки унга берилиши лозим бўлган таътил муддатига (ёки унинг бир қисмига) таътил берилишини қайд этиб ўтамиз.

НОРМА

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

ЭЛЕКТРОН МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМИНИ ЎЗБЕК ТИЛИДА ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тошкент ш. Миробод тумани,
Ташкилкор йўли, 111А
Тел: +998 77 200 00 90
E-mail: office@norma.uz
web: www.norma.uz

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда.
Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш.
Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

СОТИБ ОЛАМАН

Компьютер ва мониторлар (+998 90) 909-50-65.

ЯНГИЛИК

Пойтахтда йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчиларга нисбатан маъмурий чораларни қўллашнинг янги тартиби синовдан ўтказилмоқда, дея хабар беради Тошкент ИИББ ЙҲХБ матбуот хизмати.

ЙҲҚни бузганлик учун жарима тўлашнинг қулай усули

Янги тизимнинг ишлаш механизми қуйидагича: ЙҲҚ бузилганлиги далили бўйича ЙПХ инспектори баённома тузади ва маълумотларни ЙҲХБ Маъмурий амалиётнинг комплекс автоматлаштирилган ахборот тизимига киритади.

Ҳайдовчи почта орқали жарима солинганлиги тўғрисида хабарнома олади, унда биллинг кичик тизими орқали жаримани

тўлаш учун зарур код кўрсатилган бўлади. Жаримани исталган банкда ёки хабарномада кўрсатилган ноёб рақам асосида электрон тўловлар тизимлари ёрдамида тўлаш мумкин. Квитанция тўлдириш керак эмас, тўлов далили юзасидан чек-ордер берилади. Жаримани 15 кун ичида тўлаш керак, акс ҳолда қарздорлик тўғрисидаги маълумотлар Мажбурий ижро бюросига берилади.

Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйиш назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолда инспектор уни нима қилиши кераклиги ҳозирча аниқ эмас. Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ҳозирча ўзгартиришлар киритилмади.

Манба: norma.uz.

Пойтахт марказидаги туннель остига радар ўрнатилди

Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг маълумотларига кўра, Тошкентнинг марказий кўчаларидан бирида яна 4 та радар ишга туширилган.

Автомобиллар тезлигини қайд қилиш қурилмаси «Абдулла Қодирий» кўчасидаги йўл ўтказгичларининг кириш ва чиқиш қисмларига ўрнатилган. Шаҳарда радарларни қўлайтиришдан мақсад йўл транспорти ҳодисаларини камайтириш ҳамда ҳайдовчиларни тартибга қақаришдир. Кўпинча ҳайдовчилар туннельда белгиланган тезликдан юқори кўрсаткичда ҳаракатланадилар. Бу уларнинг ҳаёти учун хавфли ҳисобланади.

ЎЗА асосида.

НОРМАТИВ ЛОЙИҲА

Жамоат транспортида видеорегистратор мажбурий ўрнатилиши мумкин

ҚҲТБТ порталида Вазирлар Маҳкамасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори лойиҳаси муҳокама қилиш учун жойлаштирилган.

Хужжатда қайд этилишича, мамлакатимизда видеорегистраторлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш 2017 йилда якунланди. 2018 йилдан эса уларни ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини ички бозорга тўхтовсиз етказиб бера бошладилар. Шу тариқа, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун янги имкониятлар очилди.

Шу сабабли жамоат ва йўловчи транспортнинг барча эгаларига (мулкчилик шаклидан қатъи назар)



бундай автомобилларда видеорегистраторлар ўрнатиш мажбуриятини юклаш таклиф этилмоқда. ДЙҲХХга берилган ЙҲҚ бузилиши қайд этилган ҳар битта видео учун қоидабузар тўлаган жарима суммасининг камида 5%и тўланади. Бунда ариза берувчининг шахси ошкор этилмайди ва махфий сақланади. Видео ни нафақат жамоат транспорти ҳайдовчилари, балки исталган фуқаро жўнатиши мумкин бўлса керак.

Видеоёзувлар объектив бўлишини таъминлаш учун Ахборот коммуникациялари вазирлиги ва Ўзстандарт ўрнатиладиган видеорегистраторларнинг техник регламенти ва стандартларини ишлаб чиқади. Молия вазирлиги ва Марказий банк эса йўловчиларни ташиш билан шўғулланувчи юридик шахсларга бундай ускунани ўрната олишлари учун имтиёзли кредит линияларини таклиф этади.

Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Самир Латипов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Қўшниларда қандай?

Москвада йўл ҳаракатини ташкил этиш маркази (ЙҲТМ) эгилувчан устунда янги йўл белгисини ўрнатди, автомобиль унга келиб урилганда у жойидан кўзгалмайди ва ўз ҳолига қайтади.

Москвада ЙҲҚ натижасида ҳар ойда қарийб 50 талаб йўл белгилари шикастланади, тўқнашувдан кейин йўл белгилари устунлар пачоқланади ва уларни алмаштиришга тўғри кел-

лади. Тажриба тариқасида Москва туманларидан бирида йўл белгиси эгилувчан устунга ўрнатилди. Унда «Пиедаларнинг ўтиш жойлари» йўл белгиси акс эттирилган. Устуннинг ўзи зангламайдиган пўлатдан қилинган бўлиб, шикастланмасдан жойида тура оладиган ҳамда исталган йўналишда 90 градусгача эгила оладиган шар-

нирларга маҳкамланган. «Европалик ҳамкасбларнинг амалиёти устунлар 20 дан ортиқ зарбани кўтара олишини кўрсатди. Бундай конструкциянинг хизмат муддати 5 йилни ташкил этади», — дея қайд этишди ЙҲТМ матбуот хизматида.

Эгилувчан устундаги белгидан тажриба режимида фойдаланилади.



Тажриба муваффақиятли чиқса, бу каби қурилмалар йўлларнинг бошқа участкаларида ҳам пайдо бўлади.

Манба: auto.mail.ru.

«Эгилувчан» белгилар синовдан ўтмоқда

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
уриносари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратова
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва хабар қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 188. Қўғоз белими – А3. Ҳажми – 2 бома табоқ. Басма кўпайтилган нархда.
Буғуртма 332. Адади 825. Газета 2018 йил 30 июль соат 16.00 да топширилди.